УзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР
23 МАЙ 1985

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 117 (19.193). ● 1985 йил 22 май, чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

## МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

● ШАҲАРЛИКЛАР ЁРДАМИ. «Учқўрғон» совхози пахтакорлари Учқўрғон шаҳридаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг коллективларига миннатдорчилик билдирдилар. Шаҳарликлар сел оқибатларини тугатишда хўжалик деҳқонларига ёрдам бердилар. Сув тўпланиб қолган пайкалларда сувни насослар билан чиқариб ташлашга тўғри келди.

Ҳозир хўжалик далаларида ғўза яхши ривожланмоқда. Механизаторлар қатор ораларига иккинчи марта ишлов бериш ва ўсимликларни озиқлантиришни бошлаб юбордилар.

● ИШ СИФАТИ АЪЛО. Комсомол районидаги «Коммунизм» колхози механизаторлари ғўзани табақалаштирилган ҳолда парвариш қилмоқдалар. Хўжалик мутахассислари трактор билан ишлов беришнинг бу йилги баҳор шароитига мос келувчи системасини ишлаб чиқдилар. Баҳорнинг қийин келишига қарамай, хўжаликнинг ҳамма механизаторлари нормани мунтазам ошириб бажармоқдалар. Ҳозир улар экинларни биринчи культивация қилишни тугалламоқдалар. Ҳамма жойда иш сифати аъло даражада бўлмоқда. (ЎзТАГ).

## ДЎСТОНА УЧРАШУВ

21 май куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар қардош партиялари Марказий Комитетлари экономика масалалари билан шуғулланувчи секретарлари кенгашининг қатнашчиларини қабул қилди.

Учрашувда БКП Марказий Комитетининг секретари Э. Христов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, БХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, БХРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили А. Луканов; ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСИП Марказий Комитетининг секретари Ф. Хаваши; ВКП Марказий Комитетининг секретари Нгуен Лам; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Миттаг; Куба Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Л. Сото; МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитети секретари Д. Моломжамц, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитетининг секретари Д. Гомбожав; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПБИП Марказий Комитетининг секретари К. Барчиковский; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РКП Марказий Комитетининг секретари И. Вердец, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ҳукумати Бош министрининг ўринбосари, РСРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили И. Тоту; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитети секретари М. Якеш иштирок этдилар.

Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков қатнашдилар.

М. С. Горбачев ўз нутқида кенгаш ишини юқори баҳолади, қардош партиялар Марказий Комитетлари экономика масалалари билан шуғулланувчи секретарлари учрашувининг катта аҳамиятини уқтириб ўтди. У 1984 йилда Москвада олий даражада бўлиб ўтган Иқтисодий кенгаш қарорларини амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг социал ва хўжалик муваффақиятларига эътибор қаратилди. Шу билан бирга ҳозирги оширилган талаблар ва чигаллашган халқаро вазият муносабати билан социалистик иқтисодий интеграция резервларидан янада чуқур фойдаланиш зарурлиги уқтирилди. Фан-техника тараққиётини ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқариш кооперацияси ва ихтисослашувини чуқурлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари ўзларининг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини анча ошириш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасига эга эканликлари қайд этилди.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқининг социал-иқтисодий тараққиёти йўллари тўғрисидаги баъзи мулоҳазаларини айтиб ўтди. КПСС Марказий Комитети сўнгги Пленумлари қарорларининг мақсади ва маъносини тушунтириб берди, партия XXVII съездига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида гапирди.

Ҳозир бўлганлар номидан ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Миттаг жавоб нутқи сўзлади. У дилкаш суҳбат учун КПСС Марказий Комитетига ва шахсан М. С. Горбачевга миннатдорчилик билдирди, Марказий Комитет секретарларининг кенгашидан мамнуният изҳор этди.

М. С. Горбачевнинг қардош партиялар Марказий Комитетларининг секретарлари билан учрашуви самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

## РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Ҳиндистон Бош министри Р. Ганди совет раҳбарларининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан 21 май куни Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Автомашиналар кортежи аэродромдан мотоциклчилардан иборат фахрий эскорт ҳамроҳлигида Кремлга йўл олади.

* * *

Кремлда, Катта Кремль саройи ёнидаги майдонда Р. Гандини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев кутиб олди.

Кремлдаги кутиб олиш маросимида Н. А. Тихонов, А. А. Громико, П. Н. Демичев, С. Л. Соколов, И. В. Архипов, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).



**Суратда: Кремлда кутиб олиш пайти.**

ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

## М. С. Горбачев АҚШ савдо министри билан суҳбатлашди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев савдо масалалари билан шуғулланувчи Совет — Америка ҳукуматлараро комиссиянинг сессиясида қатнашиш учун АҚШ делегациясига бошчилик қилиб Москвага келган АҚШ савдо министри М. Болдрижни 20 май куни Кремлда қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбатда шу комиссия сессиясидаги СССР делегациясининг бошлиғи СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, АҚШнинг СССРдаги элчиси А. Хартман ва Оқ уй аппаратининг ходими Ж. Мэтлок қатнашдилар.

Министр М. Болдриж АҚШ президенти Р. Рейганнинг мактубини М. С. Горбачевга топширди. Мактубда АҚШ билан СССР ўртасида савдо-сотиқни кенгайтириш хусусида умумий тарзда истак билдирилган.

М. С. Горбачев ҳозирги вақтда Совет — Америка савдо-иқтисодий алоқаларининг ҳолати қониқарсизлиги АҚШ маъмурияти Совет Иттифоқини камситиш сиёсатини ўтказаётганлиги, унинг ички ишларига аралашишга, савдо-сотиқдан сиёсий тазйиқ ўтказиш воситаси сифатида фойдаланишга уринаётганлиги натижаси эканлигини қайд этиб ўтди.

Умуман савдо-иқтисодий алоқалардаги ишларнинг аҳволи шундай эканлиги, деб таъкидлади М. С. Горбачев, кейинги йилларда иккала мамлакат ўртасида вужудга келган мураккаб ва кескин сиёсий муносабатларнинг натижасидир. Совет Иттифоқи муносабатларнинг шундай аҳволда бўлишини истаган эмас ва унинг вужудга келишига сабабчи бўлгани йўқ. Биз — АҚШ билан тенгликка ва бир-бирларининг қонуний манфаатларини ҳурмат қилишга асосланган барқарор муносабатларнинг тарафдоримиз. Яқин ўтмишда барбод бўлган мухолифлик сиёсати ҳозирги шароитларда айниқса хатарлидир, чунки у кўпгина халқлар учун, шу жумладан Америка халқи учун ҳам ҳалокатли оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Ҳолбуки, СССР билан АҚШ ўртасида турли соҳаларда самарали ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш учун объектив шарт-шароитлар мавжудлигини тажриба кўрсатиб турибди. Совет — Америка ҳамкорлиги имкониятларини юзага чиқариш, қуролланиш пойгасини, душманликни авж олдиришни эса тўхтатиш, аниқроғи эса тугатиш вақти келди деган хулоса чиқмоқда. Шу жиҳатдан иккала мамлакат ўртасидаги амалий алоқалар ўз ролини ўйнаши мумкин. Бунинг учун имкониятлар бор, аммо фақат тенглик, ўзаро манфаатдорлик ва ҳеч қандай камситмаслик унга асос қилиб олиниши керак. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишонч муҳитини тиклаш — бош вазифадир.

Совет — Америка муносабатларининг бошқа баъзи жиҳатлари ҳам муҳокама қилинди.

(ТАСС).

## ҲОСИЛДОРЛИК ФАБРИКАЛАРИ

Сариосиё районидаги Охунбобоев номли колхоз ерларининг ҳосилдорлигини оширишда хўжаликда ташкил этилган химиялаштириш пункти колхозчиларга ёрдам берди. Бу пункт колхознинг барча пахтазор майдонларида ҳосилдорликни оширишни ўз зиммасига олган чинакам ҳосилдорлик фабрикасидир.

Пункт ўғитни юклайдиган ва туширадиган ускуналар билан жиҳозланган, минерал аралашмалари тайёрлаш бўйича юқори унумли механизмлар мавжуд.

Ҳосилдорлик фабрикаси ходимлари қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш олиб бориш ҳақида ҳам ғамхўрлик қилишмоқда. Улар колхоздаги ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядига хизмат кўрсатишни ўз зиммаларига олишди.

Пунктнинг ташкил этилиши пировард натижаларга яхши таъсир кўрсатмоқда. Ғўза ниҳоллари яхши ривожланмоқда. Ўғитдан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш таъминланди.

Пайариқ районидаги К. Маркс номли, Шофиркон районидаги «Ленинобод», Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозларида ҳам химиялаштириш пунктлари яхши ишлаб турибди.

(ЎзТАГ).

## АРХИТЕКТОРЛАР КЕНГАШМОҚДА

Ўзбекистон Архитекторлар союзининг Термизда бўлиб ўтган кўчма пленумида республика шаҳарлари ҳамда қишлоқларини планлаштириш ва қуриш проблемалари муҳокама этилди. Пленум ишида Ўзбекистон ССР областлари ва шаҳарларининг, Госстройи ва лойиҳа институтларининг бош архитекторлари қатнашдилар.

Пленум иштирокчилари Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхозининг Қарашиқ посёлкасида бўлдилар. Бу посёлка энг яхши қурилиш ва ободонлаштириш ишлари учун ўтказилган Бутуниттифоқ кўрик-конкурси мукофоти билан тақдирланган эди. Пленум қатнашчилари Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг экспериментал посёлкасида ҳам бўлишди, Сурхондарёнинг баъзи архитектура ёдгорликларини кўришди. Пленум арафасида Ўрта Осиёнинг кўҳна шаҳарларидан бири бўлмиш Термиз меъморчилигининг ривожланиш тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма очилди.

(ЎзТАГ).

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

САРДОБА. Сирдарё области, 21 май (ЎзТАГ). Бугун Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозида бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашида Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областлари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов учала областда деҳқончилик ва чорвачиликдаги ишларнинг аҳволи ҳақида ахборот берди.

Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областлари колхоз ва совхозларининг меҳнатчилари КПСС XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олишга интилиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборганликлари кенгашда қайд этиб ўтилди. Ҳозир экин майдонларининг катта қисмида ғўза бир текис ундириб олинди, сел ва совуқ уриши оқибатлари тугатилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг комиссияси ўтказган текшириш кўрсатганидек, колхоз ва совхозлар ишида ҳали жиддий камчиликлар ва нуқсонлар бор. КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми қарорлари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари учун дастуриламал бўлиши зарурлиги таъкидланди. Бу йил ва умуман беш йиллик планлари ҳамда олинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш муҳим вазифалардан бири эканлиги кенгашда айтиб ўтилди. Бироқ ҳамма жойда ҳам бу вазифа етарли даражада ҳал этиляпти, деб бўлмайди. Чунончи, Сирдарё областидаги тўққизта райондан олтитаси баҳорги экинлар экишни тугаллаган эмас. Жиззах областида сабзавот экиш плани 87,2 процент, картошка экиш плани 71,4 процент бажарилган. Бир қанча хўжаликлардаги пахтазорларда кескин вазият вужудга келди, экинларнинг ривожланишида кечикишга йўл қўйилди. Жиззах районидаги Жданов номли, Пахтакор районидаги А. Икромов номли, Дўстлик районидаги «Комсомол» совхозларида ва бошқа хўжаликларда ғўза жуда суст ривожланмоқда. Тошкент области хўжаликларида экинлар ўғит солинмай культивация қилинмоқда. Кўпгина колхозларда ва совхозларда, районларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш сусткашлик билан олиб борилмоқда, олимларнинг тавсияларидан фойдаланишга етарли эътибор берилмаяпти. Баъзи хўжаликларда алмашлаб экиш ишлари бўшаштириб юборилган, қишлоқ хўжалик экинларини экиш структураси бузилмоқда.

Ҳозирги вақтда экинлар парваришини жадаллаштириш, ишларнинг юқори сифатли бўлишини таъминлаш муҳим эканлиги уқтириб ўтилди. Қолоқ участкаларга алоҳида эътибор бериш, ягана лашни қисқа муддатларда тугаллаш, бегона ўтларни йўқотиш талаб қилинади. Бир қанча районлар ва хўжаликларда катта-катта майдонларни бегона ўтлар босиб кетганлигига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини камайтириш масалалари партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари диққат марказида бўлиши зарурлиги уқтириб ўтилди. Ҳамма жойда техникадан юксак самара билан фойдаланишни таъминлаш лозим. Шу муносабат билан Сирдарё области хўжаликлари танқид қилиб ўтилди. Бу ерда мавжуд 3250 культиватордан 750 таси ишлатилмаяпти. Яна бир муҳим масала — хўжаликларнинг иқтисодий фаолиятини яхшилаш масаласидир. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаси — коллектив пудратни янада оммалаштиришга, қишлоқ меҳнаткашларининг ишнинг пировард натижаларидан моддий манфаатдорлигини оширишга эришмоқ керак.

Чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Тармоқни ривожлантиришдаги қолоқлик жуда секинлик билан бартараф этилаётганлиги таъкидланди. Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларининг хўжаликларида озуқа базасини мустаҳкамлаш учун барча зарур ишлар қилинмаяпти, озуқа цехлари тўла қувват билан ишлатилмаяпти. Келгуси қишлов даври учун ем-хашак запасларини ғамлаб қўйиш тўғрисида ҳозирданоқ ғамхўрлик қилиш керак.

Кенгашда қишлоқ меҳнаткашлари меҳнати ва турмуши учун яхши шароит яратиш, уларнинг бўш вақтларини ташкил этиш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Мусобақани ташкил этиш, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларини такомиллаштириш талаб қилинади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Қабул қилинган тавсияларда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишни таъминлаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурлиги таъкидланди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, Б. Р. Раҳимов қатнашдилар.

## АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ИЛМИЙ АСОСГА КЎЧИРИЛСИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги республика партия-хўжалик активи мактабида 21 май куни навбатдаги машғулот бўлди. «КПССнинг аграр сиёсати. Аграр сектор самарадорлигини ошириш йўллари ва резервлари» мавзуида В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг президенти, ВАСХНИЛ академиги А. А. Никонов лекция ўқиди.

Партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни таъминлаш, уни интенсив ривожланиш изига ўтказиш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб катта иш қилмоқдалар. Қишлоқ хўжалигининг замонавий бошқариш негизи бўлмиш агросаноат комплексининг моддий-техника базаси такомиллаштирилмоқда ва мустаҳкамланмоқда, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ривожлантирилмоқда, ишларни юритишнинг илғор методлари тобора кенг оммалаштирилмоқда, бу ишларга бригада пудрати хўжалик ҳисобини кенг жорий этиш асос қилиб олинмоқда. Илғор хўжаликларнинг тажрибасини ҳамма жойда ёйиш — ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини жадаллаштиришнинг муҳим резерви эканлиги уқтирилди.

Кейинги вақтларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, суғориладиган ҳар гектар ердан яхшироқ фойдаланиш, экинзорларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Бу ишларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш борасидаги салбий ҳодисаларни бутунлай тугатишни қатъиян талаб қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан олиб борилмоқда. Ҳамма жойда ерлар ҳосилдорлигини ошириш, дала ва фермалардаги меҳнат унумдорлигини ўстириш, шу тариқа бу йилги ва умуман беш йиллик планлари ҳамда мажбуриятлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун янги-янги резервлар қидириб топилмоқда.

Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, деҳқончиликни илмий асосда олиб бориш зарурлиги машғулотда таъкидланди. Олимлар қишлоқ меҳнатчиларини ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг янги серҳосил, тезпишар, касалликларга чидамли навлари билан таъминлашлари, бу экинларни етиштиришнинг илғор технологияларини ишлаб чиқишлари лозим.

(ЎзТАГ).

## ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Олий Советининг таклифига биноан Туркия Олий миллат мажлисининг раиси Н. Қорадуман бошчилигидаги шу мажлис делегацияси расмий визит билан 21 май куни Москвага келди.

(ТАСС).

## Б. Краксининг СССРга қиладиган визитига доир

Италия Министрлар Советининг Раиси Б. Краксi Совет раҳбарларининг таклифига биноан май ойининг охирларида визит билан Совет Иттифоқига келади. Унга ташқи ишлар министри Ж. Андреотти ҳамроҳлик қилади.

(ТАСС).

## ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ — ҲАММАНИНГ ВА ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Ичкиликбозликка қарши курашни активлаштириш, давлат ва хўжалик органлари, партия ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективларининг ана шу хавфли социал иллатни тугатишга қаратилган куч-ғайратларини мувофиқлаштириш масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда муҳокама қилинди. Кенгашда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари, республика министрликлари ва идораларининг, ижодий союзлари ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори барча партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларидан, хўжалик раҳбарларидан алкоголизмга қарши курашни кучайтиришга қаратилган тадбирларнинг кенг комплексини дарҳол ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилмоқда, деб таъкидланди кенгашда. Бу кураш ҳамма жойда, ҳар бир меҳнат коллективида ичкиликбозликка, интизом ва тартибни ҳар қандай бузишларга тоқат қилинмайдиган вазиятни вужудга келтириб, чинакам оммавий, умумхалқ кураши тусини олишига эришиш керак.

Кишиларнинг ишга маст бўлиб келиши халқ хўжалигимиз учун қанчалик қимматга тушаётганлиги маълум. Бу брак маҳсулот ишлаб чиқаришга, умуман интизомнинг бўшашиб кетишига олиб келмоқда, назоратсизлик вазиятини вужудга келтирмоқда, бошқа салбий ҳодисаларни келтириб чиқармоқда. Министрдан тортиб бригадиргача — раҳбарларнинг ичкиликбозликда иштирок этишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бу социал иллатга қарши кураш ишида ана шундай фактларга либералларча, эътиборсизлик билан муносабатда бўлишга йўл қўйилмаслиги керак, деб таъкидланди кенгашда.

Ичкиликсиз турмуш тарзи учун курашда олдинги сафда боришга даъват этилган коммунистлар, комсомол активлари зиммасига алоҳида масъулият тушади. Ҳолбуки, уларнинг ўзлари ичкиликбозликда қатнашаётган, ичкиликбозликнинг ташкилотчилари бўлиб чиқаётган ҳоллар ҳам юз бермоқда. Бундай фактларнинг қатъий олдини олиш, айбдорларни КПСС ва ВЛКСМ сафидан чиқаришга қадар қаттиқ жазолаш керак.

Алкоголли ичимликлар ишлаб чиқаришда ҳам тегишли тартиб ўрнатиш лозим. Ҳозирга қадар кўрилган чора-тадбирларга қарамай, алкоголли ичимликлар ишлаб чиқариш камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги ликер-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни камайтириб, шарбат, жем, бошқа витаминли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ўз қарамоғидаги корхоналар ишини яқин вақт ичида қайта қуриши зарур.

Тармоқ манфаатларини кўзлаб, кучли ичимликлар билан савдо қилиш тартибини кўпинча бузаётган савдо корхоналари шаънига жиддий эътирозлар айтилди. Саноат корхоналари ва қурилишлар, ўқув юртлари ҳамда меҳнаткашлар маданий дам оладиган жойларда алкоголли ичимликларнинг ҳамма турларини сотишни тўхтатиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг республикада вазият соғломлашиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Салбий ҳодисаларни бартараф этиш, олға томон ҳаракатимизга тўсқинлик қилаётган, турмушимиз тарзига зид бўлган ҳамма нарсаларга, жумладан, ичкиликбозликка қарши муросасизлик билан кураш олиб бориш йўли бундан буён ҳам оғишмай амалга оширилаверади.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни активлаштириш билан бирга куч-ғайратни аҳолининг, биринчи навбатда ёшларнинг бўш вақтини фойдали ўтказишини ташкил этишга қаратиш, барча спорт иншоотлари, маданият уйлари, клублар бўш турмасдан ўз олдига қўйилган мақсад йўлида хизмат қилишига, кишилар ўзларининг ижодий имкониятларини тўла намоён қила оладиган жойга, алкоголизмга қарши актив пропаганда олиб бориладиган жойга айланишига эришиш керак.

Идеология муассасалари, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари органлари олдида катта вазифалар турибди. Уларнинг вазифаси — ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашда, меҳнат интизомини, жамоат тартибини бузиш фактларига нисбатан муросасозлик муносабатлари кўринишларига қарши курашда ҳамма воситалар ва методлардан фойдаланишдан, алкоголнинг, айниқса, ёшлар ва аёлларга фожиали таъсирини кўрсатиб беришдан иборат.

Кенгашда ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатишга қаратилган чоралар кенг маъқулланиб, қўллаб-қувватланаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу чораларни амалга ошириш ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ишига айланиб қолишига эришмоқ керак. Ҳушёрлик ҳаётимиз нормасига айланиб қолсин.

(ЎзТАГ).

## Ичкиликбозлик—иллат

# ҲУШЁРЛИК—ҲАЁТИМИЗ ТАРЗИ

- Даволашнинг аноним усули беморлар хизматида
- Ичкиликбозлик бедаво эмас
- *Ҳузур, кайф, фожиа*
- Газетхон маъқуллайди, мулоҳаза юритади

## ОҒУЛИ ҚАДАҲ

Самарқанд шаҳридаги «Зарафшон» ресторани. Ширакайф, бир-бирига гап бермай шовқин-сурон кўтараётган икки йигит билан икки ёш жувоннинг хатти-ҳаракатларидан одамлар норизо улар томонга қараб-қараб қўйишарди. Бунга жавобан улар бақириб-чақиришар, қаҳ-қаҳа отиб кулишар, беҳаё сўзлар айтишар, депсиниб ўйинга тушишар, ресторан ходими ҳар қанча куйиниб уларни тартибга чақирмасин парво қилишмасди.

Даврабошилик қилаётган йигитни таниш-билишлари «Анвар пиён» деб чақиришарди. У Гагарин кўчасидаги 44-уйнинг 1-квартирасида яшаркан. Ёшлигидан ичкиликка берилиб, жиноятга қўлургани учун илгари суд уни икки ярим йиллик муддат билан озодликдан маҳрум этган. Минг афсуски, Анвар Ниёзов аччиқ сабоқдан хулоса чиқариб олмади. Қамоқдан қайтганидан кейин ҳеч қаерда ишламай, мўмай пул топиш, енгил-елпи яшаш йўлларини қидирди, айш-ишратга берилди.

Кеча оқшом бир ошнаси тўйида кўп ичганиданми эрталаб турганида мияси омбир билан қисгандек лўқиллаб оғриётган эди. Кун бўйи ҳеч нарсани хушламай ётди. Кейин хотини — Самарқанд шаҳар ошхоналар тресети ходими Ширин Сатторова, қайниси, шаҳардаги 9-уй-жой эксплуатацияси бошқармасининг бухгалтери Шуҳрат Сатторов ва унинг умр йўлдоши Анзират билан бошлашиб ресторанга келди. Бу ерда у ўзини эркин ҳис қилар ва бачкана қилиқлари билан атрофдаги одамларнинг оромини бузарди...

Худди шу пайт ресторанга яна икки ёш йигит ширакайф кириб келди. Жамоатчиликка арақхўр, безори сифатида «отнинг қашқаси»дек танилган бу шахслардан бири «Зарафшон» меҳмонхонаси хизматчиси Абдукарим Ҳалимов, иккинчиси Боғишамол район ички ишлар бўлимининг ходими Аҳмад Сафаров эди.

Бу орада кайфи тарақ Анвар ширакайф хотини Ширин билан рақс туша бошлади. А. Ҳалимов эса эр-хотиннинг пинжига тиқилиб, шилқимлик қила бошлади. Анварнинг зардаси қайнади. Ўртада жанжал кўтарилди. Ҳалимов буларга ўзини бир кўрсатиб қўймоқчи бўлди-да, биродари — Самарқанддаги 44-ҳунар-техника билим юрти хизматчиси Ўктам Ҳамзаевнинг уйига телефон қилиб, безорилардан ўзини ҳимоя қилишга чақирди. Буни қарангки, худди шу пайт Ҳамзаевнинг туғилган кунини нишонлашаётган, қадаҳлар тўхтовсиз жаранглаётган эди. Улфатлар орасида «Самаркандгеология» бирлашмасига қарашли Жиззах геология-қидирув партияси шофёри Хушвақт Баҳриев, Самарқанд район матлубот жамияти қурувчиси Маматқул Сафаров, Самарқанд пилла уруғчилиги станцияси ишчиси Актам Сафаров беҳад кўп ичишганидан нақ шер қиёфасига киришган эди. Ўктам Абдукарим билан Аҳмадга ёрдам беришлари кераклигини айтиши биланоқ «Москвич» машинасида «Зарафшон» ресторанига етиб келишди.

Ҳамроҳлари билан ресторандан судрашиб чиқиб келаётган Анвар Ниёзовни Абдукарим Ҳалимов, Аҳмад Сафаров ва уларнинг ошналари ўртага олиб, дўппослаб кетишди. Кайфи тароқ Актам Сафаров Ширинни ўхшатиб тепди, ҳатто унга пичоқ ўхталди. Безориликни одат билган, ичкилик макрига ақл-идрокини ўғирлатган Анвар Ниёзов қараб турармиди?! У чўнтагидан шартта пичоқ чиқарди. Қаршисида сархуш тебранаётган Хушвақт Баҳриевнинг қорнига уч марта санчди...

Ресторан ичкарисида ҳамон ичкиликбозлик давом этар, музика янграр, қувноқ рақсга тушишар, аммо безорилар қилмиши ҳеч кимни қизиқтирмасди. Эшик олдида турганлар, йўлдан ўтаётганлар, ресторан хизматчилари ҳам бунга лоқайд қараб турардилар. Нега шундай?

Орадан ҳийла вақт ўтгандан кейингина Боғишамол район ички ишлар бўлимининг постда турган ходими Асли Аҳроров безориларни тинчитиш, жамоат осойишталигини бузиш қонунга хилофлигини англатиш учун орага тушишга журъат этди. А. Ниёзов ҳуқуқ ҳимоячисини ҳам аямади. Уни оғир жароҳатлади...

Хўш, бу воқеанинг юз беришига сабаб нима? Бу оқ арақнинг қора қилмиши, яъни ичкиликбозлик оқибатидир. Анвар Ниёзов, Абдукарим Ҳалимов, ака-ука Аҳмад, Актам, Маматқул Сафаров каби инсоний бурчини унутган ғаламислар жамиятимиз шаънига доғ тушираётганидан ачиниб кетасан, киши.

Май ичишга берилган киши ҳамиша унинг тубсиз комига ғарқ бўлган. У ажойиб истеъдод эгалари умрини завол қилган, аҳил оилаларни ажратган, иродасиз одамларни эса эл ичида шармандаи-шармисор айлаган.

Иштихон районидаги Митан қишлоғилик Шодиёр Норқулов туппа-тузук одам эди. Шиша билан ошна тутинди-ю бетига қора суркалди. У уйланди, икки фарзанд кўрди, барибир, ичкиликни ташламади. Аксинча арақхўрликка муккасидан кетиб, уч бор жиноят қилди, уч бор қамалди. Охирги жазо муддатини ўтаб келгандан кейин ҳам тийилмади. Болаларини тарбиялаш ҳақида қайғурмади. Бирор иш бошини тутмасдан, осонлик билан пул топиш йўлларини излади.

Яқинда Шодиёр хурмачасидан тошиб чиққунча «отиб олиб», шер бўлиб қабиҳ ишга қўл урди. Кечаси Митандаги 14-магазин эшик зулфини синдириб, ичкаридан 830 сўмлик молни ўғирлаб турганда қўлга тушди...

Пастдарғом районидаги 6-механизациялашган кўчма колонна қурувчиси Мирзоамин Маҳматқулов ичкилик туфайли одамгарчилик қиёфасини йўқотди, ғирт безорига айланди.

Бундан бир неча кун муқаддам Мирзоамин улфатлари Муҳиддин Бўронов, Қўзи Салимов билан район умумий овқатланиш жамиятига қарашли «Лола» ресторанида ўтириб ичкиликбозликка зўр берди. Кайфи ошиб, столдаги чинни идишларни битта қўймай синдирди. Кишилар тинчлигини бузди. Официант Сайдулла Мухторов уни тартибли бўлишга ундаб балога қолди. Мирзоамин Сайдуллани томоғидан бўғиб ҳақоратлади. «Сенинг ишинг нима, синдирган бўлсам пулини ўзим тўлайман!», деб безбетлик билан бақирди. Унинг қилиғидан ресторанда овқатланаётган, осойишталиги бузилиб, асаби таранглашган одамлар қаттиқ нафратланишди.

Ичкиликбозликка берилиш эс-ҳушдан ихтиёрий ажралиш эканлигини психолог олимлар мунтазам таъкидлашади. Бадмаст кишилар тубанликнинг жонли намуналари бўлсалар ҳам ўзларини осмону фалакда ҳис этадилар. Худди шу нарса улар маънавий дунёсидаги ожизликни фош қилади. Самарқанд шаҳар, Спартак кўчаси, 1-тупик, 3-уйда яшовчи Рамиль Абдуллаев шунақа нусхалар тоифасидан чиқиб қолди. У ичиб олиб кўча-кўйда текканга тегиб, тегмаганга кесак отганидан ташқари оила аъзоларини азоблаш, уларга ўз «устунлиги»ни кўрсатиб қўйишга интилишни одат тусига киритди.

Ичкиликбозлик қаттол ёв! Унинг илдизини тамомила қўпориб ташлаш ҳозирги куннинг энг муҳим социал вазифаларидан ҳисобланади. Таниқли давлат ва жамоат арбоби Н. А. Семашко уқтирганидек, ҳар бир ишчи, ҳар бир софдил гражданин ичкиликбозликка қарши шафқатсиз курашмоғи лозим. Токи партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши олиб бораётган тадбирлари ҳар бир онгли совет кишисининг ҳаёт тарзига айлансин.

**А. ДИЛМУРОДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

**Мастга сўз айтиш қайтариб берилмайдиган қарзга ўхшайди.**

(Вьетнам мақоли).

●

**Шароб ҳам, ақлу фаросат ва яхшиликни йўқотар.**

* * *

**Араққа салом бердингми, ақл билан хайрлаш.**

(Грузин мақоллари).

●

**Кечқурун бадмаст — эрталаб ишёқмас.**

(Япон мақоли).

●

**Бир кун маст бўлиб, ўн кун бошингни ушлаб қолма.**

(Бенгал мақоли).

●

**Бир мири пиён, уч мири зиён.**

(Ўзбек мақоли).

●

**Ичма, дўстим, масхара бўлмайсан!**

(Арман мақоли).

## КЎЗЛАР ЁШГА ТЎЛМАСИН

*Тошкент шаҳар наркология диспансеридан репортаж*

Тошкент шаҳар наркология диспансери бош врачи ўринбосари Тамара Борисовна Буханцева ҳузуридамиз.

Хонага ёшгина жувон кириб келди. Ҳаяжондан унинг лаблари титрар, тим қора кўзлари жиққа ёш эди:

— Ноябрь ойида турмуш қурган эдик, — деб ҳикоя қила бошлади у. — Апрель ойигача улар ичганлари йўқ. Бувимларнинг туғилган кунлари сабаб бўлиб бир оз ичдилар. Шундан кейин ичкиликдан бош кўтармай қўйдилар. Рўзғордаги камчиликларга ишлатармиз деган ниятда омонат кассага пул қўяётгандик. Қарасам, омонат дафтарчада 5 сўмгина пул қолибди. Ўзим педагог-методистман. Самарқанд давлат университетини тугатганман. Улар билан мени бувимлар таништирганлар. Ота-оналари, опа-сингиллари жуда яхши одамлар. Қайнотам милиция капитани, қайнонам юристлар. Улар бувимлар билан бирга ўқишган. Яқин дугона бўлишган. Ўзлари илғор ишчи ҳисобланадилар. 2-қурилиш-монтаж бошқармасидаги «Ҳурмат тахтаси»дан суратлари тушмайди. Ҳеч шунақа бўлади, деб ўйламагандим. Яна ота бўлишни орзу қиладилар. Қандай қилиб? 7 кундан буён мижжа қоқмайдилар. Қулоғимга қандайдир товушлар эшитиляпти, дейдилар. Қўрқаяпман, доктор ёрдам беринг, — деди у ва йиғлаб юборди.

Қаршимизда 32 ёшлардаги йигит ўтирибди. У ҳижолатдан кўзини ердан узолмасди.

— Сиз бу йўлдан қайтинг, — деди жиддий Тамара Борисовна. — Сизга ёрдам берайлик, қўлингизда гулдек касбингиз бўлса. Ҳақотки, ўзингизни қўлга ололмасангиз. 1983 йилда ётиб чиққан касалхонангизга йўлланма бераман...

Врач йўлланмани ёзиб, жувонга узатди:

— Бугундан қолмасин. Тўғри касалхонага топширинг. Жувон қўлига йўлланмани оларкан:

— Бу киши диспансер ҳисобида туришидан мутлақо бехабар эдим. Менга мутлақо билдиришмаган экан-да, деди-ю йигитга қаттиқ тикилди. Лекин на чора! Синамаган отнинг сиртидан ўтма деб шуни айтсалар керак-да.

Врач қабулхонасига яна бир бемор кириб келди. Барваста, келишган, хушчақчақ бу киши электромеханика заводи ишчиси экан.

— Ўзингизни қандай ҳис этмоқдасиз, — унга юзланди Т. Буханцева.

— Жуда яхшиман. Энди ичкиликка тўйдим. Бошқа оғзимга олмайман. Ишим ҳам унумли бўляпти. Ўртоқларим тўғри маслаҳат беришган экан. Шогирдларим олдида ҳам ноқулай. Қизчам ҳам катта бўлиб қоляпти. Оиладаги тотувликка ҳам ҳеч нарса етмас экан.

Бу кишининг гапларидан у ўзининг зарарли одатта ўрганиб қолганлигини вақтида тушуниб етганлиги, ўз коллективи, ўз оиласининг соғлом, онгли аъзосига айланганлиги сезилиб турарди.

— Сўзларингизга ишонаман. Лекин барибир, ҳар ойда диспансер кўригидан ўтиб турасиз. Кейинчалик сизни диспансер ҳисобидан бутунлай чиқариб юборамиз, — деб таъкидлади шифокор.

Врач қабулига навбатдаги бемор кириб келди.

— Даволаниб бўлдингизми? Саломатлигингиз қандай?

— Ўзимни яхши ҳис этмоқдаман. Ҳаммаси тўйдахурсандчилик учун ичганимдан бошланди-да, — дейди «Узмясомолкомбинат» ишчиси.

— Сурункали алкоголизм касалига мубтало бўлганлар асосан саноат корхоналари, қурилиш, автохўжаликлар ишчилари орасида учраб туради, — деб ҳикоя қилди врач психиатр-нарколог Ш. С. Орифбоев. Бу касалнинг бошланиш даврида олдини олиш зарур. Шунинг учун профилактика ишларини иложи борича кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Биз аҳоли орасида профилактика ишларини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. 2-автокомбинатда, 5-автопаркда, 2-пойабзал фабрикасида ва бошқа корхоналарда фельдшерлик-наркология пунктлари ва жамоатчилик асосида наркология постлари очилди.

Аҳоли орасида, олий ўқув юртларида, техникумлар, профессионал-техника билим юртлари талабалари ва умумий таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида санитария-оқартув ишларини олиб боришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, наркология хизмати кўрсатишда хўжалик ҳисобидаги наркология хизматининг аноним йўлидан фойдаланиляпти. Бу ерда даволанишнинг сир тутилиши асосий шартдир. Бу ердаги тартиб район поликлиникасидаги тартибдан деярли фарқ қилмайди. Бемор ўз фамилияси ва исмини айтиши шарт эмас. Фақат касаллик тарихига қўйилган тартиб рақамини эсида тутса бас.

Алкоголизм касаллигининг бошланғич даврларида олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармаси хўжалик ҳисобидаги поликлиника қошида алкоголизм касаллигига дучор бўлганларни аноним даволовчи бўлим ташкил этди. Бўлим республикамиз областларидан даво излаб келганларга ҳам хизмат кўрсатмоқда. Ҳар бир касалнинг вақтида олдини олган маъқул.

Ичкиликбозлик аста-секин шахсни ҳалокатга олиб борувчи дард. Бундай беморларга ёрдам бериш, уларни даволаб ҳаётга қайтариш ҳар бир шифокорнинг бурчи. Бунга қанча тез эришилса, шунча яхши.

— Ичкиликбозлик бизнинг гулгун ҳаётимизга тушган доғ. Ҳеч бир кечириб бўлмайдиган ҳол. Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш инсон соғлигининг заволи эканлигини, қолаверса, зурриётга салбий таъсир кўрсатишини, ширингина оилаларга оғу бўлиб киришини кўпчилик яхши тушунмайди. Партия ва ҳукуматимиз ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш юзасидан қабул қилган қарорини биз шифокорлар қўллаб-қувватлаймиз, — деди биз билан суҳбатда диспансер врачи Людмила Александровна Подкапаева. Диспансерда медицина ёрдами кўрсатишни яхши йўлга қўйиш учун тегишли шароит йўқ. Бино жуда кичкина, мутахассислар етишмайди, битта хонада 2—3 шифокор беморларни қабул қилиши жуда ноқулай. Ҳар бир беморнинг касали сир сақланиши лозим. Бунинг устига диспансер шаҳарнинг бу четида бўлса, шифохона нариги четида — Чуқурсойда жойлашган. Биохимик анализлар лабораториясига эга эмасмиз. Ана шу камчиликлар тугатилса, биз спиртли ичимликларни суиистеъмол қиладиган кишиларни даволаш ва бу касалликнинг олдини олиш соҳасидаги чора-тадбирларни амалга оширишдек муҳим ишга кўпроқ ҳисса қўшган бўлур эдик.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш — умумхалқ иши. Партия ва ҳукуматимиз белгилаган тадбирларни кенг меҳнаткашлар оммаси қўллаб-қувватлаётганлиги бу соҳадаги вазифалар муваффақиятли ҳал этилишидан далолат беради. Бу ишга чинакам оммавий тус бериш, ҳар бир меҳнат коллективида ичкиликбозликка, меҳнат интизоми ва тартибни бузишнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтириш зарур. Ичкиликбозлик дардига мубтало бўлган шахсни қайта тарбиялаб, уни сафимизда сақлаб қолиш учун биз барчамиз масъулмиз.

**М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.**



## Янги бўлим очилди

— Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш умр заволи, кўплаб бахтсизликлар сабабчиси эканлиги ҳаммага аён, — дейди пойтахтимизнинг Октябрь районидаги «Хизмат—беминнат» фирмасига қарашли «Октябрь» универсал магазини директори Румиза Карипова. — Айниқса, аёллар, ўсмирлар орасида ҳам бу зарарли одат учраётганлиги кўпчиликни ташвишга солади.

Партия ва ҳукуматимизнинг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қарорини биз савдо ходимлари ҳам маъқуллаймиз. Ичкиликбозлик жамиятга ҳам моддий, ҳам маънавий зиён етказмоқда. Ичкиликнинг зарари кўп бўлаяпти. Магазинимизда вино-арақ билан савдо қилишни икки марта камайтириш ҳисобига, янги «Шарбатлар-коктейллар» бўлими ташкил этдик. Қаловини келтирса қор ҳам ёниши турган гап. Пештахта ёнига столлар қўйилган. Мақсадимиз: харидорлар бирпасгина дам олиб, ширинликлардан еб, бир стакан шарбат ёки коктейль ичиб роҳат қилишса. Бунга нима етсин!

Суратда: «Октябрь» универсал магазинининг янги очилган бўлимида.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

## ВЪЕТНАМ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

### КИТОБЛАР КУРАШДА ВА МЕҲНАТДА КЎМАКДОШ

«Мамлакатимизда «Олтин қалб» номи билан нашр этилган романингиз қаҳрамонлари биз учун намуна бўлди. Бу китоб қийинчиликларни, озодлик ва мустақиллик учун Вьетнам олиб борган урушнинг оғир оқибатларини бартараф этишда бизларга кўмаклашмоқда».

Бу сатрлар вьетнамлик адиб Ле Фионгнинг ўзбек адиби Раҳмат Файзийга йўллаган мактубидан олинган. Ўзбекистон халқ ёзувчисининг «Ҳазрати инсон» асари Вьетнамда икки марта нашр этилди. Асар қардош социалистик мамлакат хотин-қизларининг кўплаб илтимосларига кўра иккинчи марта чоп этилди.

Бу ерда Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести икки марта нашр этилди. Асқад Мухтор, Жонрид Абдуллахонов ва бошқа ўзбек ёзувчиларининг асарлари Вьетнам китобхонларига яхши танишдир.

Вьетнамлик шоирлар ва адиблар асарларининг таржималарини Ўзбекистон нашриётлари бир неча бор босмадан чиқардилар. «Нилуфар» мукофоти лауреати Нгуен Динь Тхининг Вьетнам халқининг озодлик учун олиб борган кураши тўғрисидаги «Соҳиллар нурамоқда» романи, «Нилуфар» мукофоти лауреати То Хоайнинг «Эр-хотин А Фулар» ва Буи Дик Айнинг «Касалхонада ёзилган тарих» қиссалари шулар жумласидандир. Бу асарлар империалистик агрессорларга қарши олиб борилган уруш манзараларини акс эттиради.

### РАҲМАТ, МУАЛЛИМ

Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР давлат академик Катта театрининг бош балетмейстри Иброҳим Юсуповга ўзининг вьетнамлик шогирдларидан мактуб олиш ғоят қувончли бўлди. Ўзбекистонлик хореограф бундан 10 йил илгари Ханойда очилган балет мактабида дарс берган, тошкентлик муаллим тайёрлаган концерт эса талабалар ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолган эди. Концерт программасига Арам Хачатуряннинг «Спартак» балетидан парчалар киритилганди. Иброҳим Юсупов бу балетни мамлакатимизда биринчилардан бўлиб саҳналаштирди.

Халқ рақслари Вьетнамнинг хореография санъати билан учрашувлардан хотира бўлди. Тошкентлик балетмейстер Навоий номли театр постановкаларида ана шу Вьетнам халқ рақслари элементларидан фойдаланмоқда.

(ЎзТАГ).

## Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

### ХАБАРЛАР ОҚИМИ

#### ҒАЛАБАНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ПНОМПЕНЬ. Ҳинди-Хитойдаги уч қардош мамлакат халқларининг жанговар бирдамлиги уларнинг революцион ривожланишдаги ғалабаларининг муҳим омилидир, деди Кампучия Халқ революцион партиясининг Бош секретари, республика Давлат Кенгашининг Раиси Хенг Самрин. У Пномпенда Хо Ши Мин туғилган куннинг 95 йиллигига бағишланган митингда сўзга чиқди.

Хо Ши Мин васиятларига содиқ бўлган Кампучия, Вьетнам, Лаос дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини, Жануби-Шарқий Осиёни тинчлик ва барқарорлик зонасига айлантириш учун курашда бирдамликни мустаҳкамламоқдалар, деб таъкидлади Кампучия раҳбари. Вьетнам, Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар томонидан кўрсатилаётган самарали ёрдам туфайли Кампучия халқ ҳокимияти ўрнатилгандан буён ўтган олти йил мобайнида жамоат турмушининг барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришиб, социализм негизи қурилиши йўлидан шаҳдам қадам ташлаб бормоқда.

#### ЁШЛАРНИНГ ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

ХЕЛЬСИНКИ. Бу ерда Совет Иттифоқи ва Финляндия ёшларининг бешинчи дўстлик фестивали очилди. Фестивалга тайёргарлик ишларида «Финляндия — Совет Иттифоқи» жамияти, ёшлар масалалари билан шуғулланувчи давлат кенгаши, Финляндиядаги бир қанча сиёсий партияларнинг ёшлар ташкилотлари иштирок этишди.

Хельсинки, Лахти ва Тамперда асосий маросимлар ўтказилади. Тамперда бўладиган семинар фестивалнинг энг асосий воқеасига айланади. Семинар қатнашчилари ёшлар ва ёшлар ташкилотларининг тинчлик учун, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш учун, Совет Иттифоқи ва Финляндия ёшлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун курашдаги роли ҳамда фаолиятини ҳар томонлама муҳокама қиладилар.

#### САЙЛОВ ТАҲЛИЛИ

РИМ. Италия Компартиясининг Бош секретари А. Натта 12—13 май кунлари Италияда ҳокимият маҳаллий органларига ўтказилган сайловни таҳлил қилиб берди.

Коммунистлар сайловчиларнинг 30,2 процентининг овозига эга бўлиб, мамлакатни ривожлантириш ва демократик асосда янгилаш сиёсатини ўтказишда жуда катта сиёсий ва асосий куч бўлиб қолаётганликларини сайлов тасдиқлади, деди у «Унита» газетаси мухбири билан суҳбатда. Шу билан бирга А. Натта овоз бериш натижалари ИКП учун умуман қониқарсиз эканлигини эътироф этиб, бунинг сабаблари партия ичида, шу жумладан ИКП Марказий Комитети ва Марказий контрол комиссиясининг бўлажак пленуми давомида пухта ўрганилиб, муҳокама қилинишини билдирди.

#### ТЕРРОР ВА ЖАБР-ЗУЛМ КУЧАЙМОҚДА

ДАМАШҚ. Исроил ҳарбий маъмурлари босиб олинган араб территорияларининг аҳолисига яна террор ва жабр-зулм қилмоқдалар. Бу ерда олинган хабарларга кўра, босқинчилар Ғазо секторида бу районда комендантлик соати жорий этилишига қарши норозилик билдираётган араблардан қонли ўч олганлар. Исроил соқчилари уларга қарата ўт очган, беш киши оғир жароҳатланган. Ҳарбий маъмурият Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Рамаллах шаҳрида кўплаб кишиларни қамоққа олган. Наблус ва Ал-Халилда ёппасига қуршаб тинтув ўтказилган.

Айни бир вақтда исроилликлар фаластинликларга қарашли ер участкаларини тортиб олишни давом эттирмоқдалар. Яқинда Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Кфар эд-Дик ва Кфар Сулс қишлоқларининг деҳқонлари ўзларининг энг сўнгги экинзорларидан маҳрум бўлдилар. Улардан тортиб олинган ерлар Исроил мустамлакачиларига берилди.

(ТАСС).

### УАЙНБЕРГЕР САФАРГА ЧИҚДИ

БРЮССЕЛЬ, 20 май (ТАСС). АҚШ мудофаа министри К. Уайнбергер Брюсселга келди. У НАТО ҳарбий планлаштириш комитетининг бу ерда очиладиган сессиясида қатнашади.

Сиёсий обзорчиларнинг фикрича, Пентагоннинг бошлиғи бу сессияда Қўшма Штатларнинг НАТОдаги иттифоқчиларидан яна тазйиқ ўтказиб, уларнинг Вашингтон ишлаб чиққан «стратегик мудофаа ташаббуси» деб аталган режани сўзсиз қўллаб-қувватлашгагина эмас, шу билан бирга бу «ташаббус»ни амалга оширишда фаол қатнашишни ҳам талаб қилишга уриниб кўради. Маълумки, космосдаги базаларда жойлаштириладиган элементлари бўлмиш ракетадан мудофаа кенг миқёсдаги системасини вужудга келтириш ва жойлаштиришни кўзда тутувчи «самовий урушлар» программаси ҳатто АҚШнинг Шимолий Атлантика иттифоқидаги шериклари орасида ҳам қаттиқ хавотирлик ва безовталик туғдирмоқда. Бу шерикларнинг баъзилари мазкур программанинг амалга оширилиши ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини кескин кучайтиришга, космик фазони жадал ҳарбийлаштиришга олиб боришига ишончлари комил эканини билдирмоқдалар.

К. Уайнбергер еттита энг катта капиталистик мамлакат раҳбарларининг яқинда Боннда бўлиб ўтган кенгашида «стратегик мудофаа ташаббуси»га қаршилик очиқ-ойдин намоён бўлганлигини бартараф этишга уриниб, дўқ уриш ва тилёғламалик қилиш сиёсатини ишга солишга чоғланмоқда. Баъзи маълумотларга кўра, у башарти иттифоқчилар «ювош» бўлсалар, Вашингтон уларга «самовий урушлар»га тайёргарлик билан боғлиқ бўлган кўп миллионли контрактларни беришга тайёр эканини билдирадиган рўйхатни Брюсселга олиб боради.

Мудофаа министри сафарининг бошқа бир асосий мақсади — НАТОнинг Америка ўртача олислик ядро ракеталарини Ғарбий Европа мамлакатларида жойлаштириш режалари бундан буён ҳам графикка мувофиқ амалга оширилаверишини тасдиқлайдиган далилларни олишдан иборат.

